

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**465 «Мис ишлаб чиқариш заводида янги эритиш печини қуриш» инвестиция лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида**

«Олмалиқ КМК» ОАЖнинг ишлаб чиқариш қувватларини янада модернизация қилиш, мис ишлаб чиқаришда энергияни тежайдиган замонавий технологияларни жорий этиш, Олмалиқ шаҳрида энергия ресурсларидан оқилона фойдаланишни таъминлаш ва экологик вазиятни яхшилаш мақсадида:

1. «Мис ишлаб чиқариш заводида янги эритиш печини қуриш» инвестиция лойиҳасини амалга ошириш доирасида белгиланган тартибда:

капитал қўйилмаларининг умумий қиймати 97,7 млн АҚШ долларига эквивалент миқдорда бўлган лойиҳанинг техник-иқтисодий асоси ишлаб чиқилганлиги ҳамда ваколатли органлар томонидан экспертизаси ўтказилганлиги;

тендер савдолари натижаларига кўра «Олмалиқ КМК» ОАЖ ҳамда «Engineering Dobersek GmbH» компанияси (Германия) ўртасида умумий қиймати 89,6 млн АҚШ долларига эквивалент миқдорда бўлган янги эритиш печини фойдаланишга тайёр ҳолда қуриш тўғрисида шартнома тузилганлиги ҳамда бунда маҳаллий ишлаб чиқарувчи корхоналар томонидан маҳсулотлар (ишлар, хизматлар) етказиб берилиши инобатга олинганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қуйидагилар «Мис ишлаб чиқариш заводида янги эритиш печини қуриш» лойиҳасини молиялаштириш манбалари этиб белгилансин:

«Олмалиқ КМК» ОАЖнинг ўз маблағлари, шу жумладан 34,6 млн АҚШ долларига эквивалент миқдордаги махсус инвестиция ҳисобварақларидаги маблағлар;

Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармасининг «Ипотека-банк» АТИБ орқали қайта молиялаштирилладиган, 7 йил муддатга, шу жумладан 3 йил имтиёзли давр билан, йиллик 4,0 фоиз ставкали, қайта молиялаштирадиган банкнинг 1,0 фоиз маржасини ҳисобга олган ҳолда, бериладиган 29,0 млн АҚШ доллари миқдоридаги кредити;

«Ипотека-банк» АТИБнинг умумий қиймати 34,1 млн АҚШ долларига эквивалент миқдорда бўлган, 10 йил муддатга, шу жумладан 2,5 йил имтиёзли давр билан бериладиган, «Ойлер Гермес» (Германия) компаниясининг суғуртаси билан қопланадиган «Коммерцбанк» (Германия)нинг кредит лийниси маблағлари ҳисобидан қайта молиялаштирилладиган кредити.

3. Қуйидагилар:

«Мис ишлаб чиқариш заводида янги эритиш печини қуриш» инвестиция лойиҳасининг асосий техник-иқтисодий параметрлари ва 2016 йилнинг

сентябрида фойдаланишга топшириш муддати кўрсатилган техник-иқтисодий асоси 1-иловага* мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси кредитини сўндиришнинг прогноз жадвали 2-иловага* мувофиқ;

«Ипотека-банк» АТИБ кредитини сўндиришнинг прогноз жадвали 3-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

4. Ўзбекистон Республикаси молия вазирига мазкур лойиҳани молиялаштириш учун жалб этилаётган Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармасининг қайта молиялаштириладиган кредити бўйича «Олмалиқ КМК» ОАЖнинг «Ипотека-банк» АТИБ олдидаги мажбуриятлари юзасидан белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикасининг давлат кафоллатини бериш ваколоти берилсин.

5. «Ипотека-банк» АТИБга, истисно тариқасида, мазкур лойиҳани амалга ошириш доирасида «Олмалиқ КМК» ОАЖ билан бир қарздор ёки ўзаро дахлдор бўлган қарздорлар гуруҳига тўғри келувчи тавваккалчиликнинг энг юқори даражаси бўйича норматив қўлланмаган ҳолда 31,4 млн АҚШ доллари миқдоридаги кредит шартномасини тузишга рухсат берилсин.

6. Қуйидагилар белгилансин:

«Олмалиқ КМК» ОАЖ қарз олувчи ҳамда мазкур лойиҳани амалга оширилиши, жалб этилаётган кредитларнинг мақсадли ва самарали ишлатилиши учун масъул бўлган ижро этувчи орган ҳисобланади;

жалб этилаётган кредитларни сўндириш ва уларга хизмат кўрсатиш билан боғлиқ сарф-харажатлар «Олмалиқ КМК» ОАЖнинг ўз маблағлари, шу жумладан махсус инвестиция ҳисобварақларидаги маблағлар ҳисобидан амалга оширилади;

«Олмалиқ КМК» ОАЖ билан ««Engineering Dobersek GmbH»» компанияси (Германия) ўртасида тузилган импорт шартномаси доирасида Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фойдаланилиши назарда тутилган маҳаллий ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг маҳсулотлари (ишлари, хизматлари)ни етказиб бериш Ўзбекистон Республикасининг божхона чегараларини кесиб ўтмасдан амалга оширилади ва божхонада расмийлаштирилмайди.

7. «Мис ишлаб чиқариш заводида янги эритиш печини қуриш» лойиҳасини амалга ошириш доирасида:

республикада ишлаб чиқарилмайдиган, «Олмалиқ КМК» ОАЖ томонидан олиб келинадиган, шу жумладан «вақтинча олиб кириш» режимида олиб келинадиган материаллар, махсус транспорт воситалари, асбоблар, ускуналар ва уларнинг эҳтиёт қисмлари, шунингдек техник ва лойиҳа ҳужжатлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқландиган рўйхатлар бўйича 2016 йилнинг 1 сентябрига қадар божхона тўловларидан (божхонада расмийлаштириш йиғимлари бундан мустасно);

«Олмалиқ КМК» ОАЖ Ўзбекистон Республикасининг норезидентидан олинadиган ишлар (хизматлар) бўйича қўшилган қиймат солиғи тўлашдан;

«Engineering Dobersek GmbH» компанияси (Германия) ва унинг ёрдам-

* 1 — 3-иловалар берилмайди.

чи пудратчи ташкилотлари — Ўзбекистон Республикаси норезидентлари юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи тўлашдан озод қилинсин.

8. Ўзбекистон Республикаси «Давархитектқурилиш» қўмитаси белгиланган тартибда лойиҳа-смета ҳужжатларининг давлат экспертизасидан ўтказилишини таъминласин ҳамда мазкур лойиҳани амалга ошириш доирасида қурилиш-монтаж ишларининг сифатли бажарилиши устидан давлат архитектура-қурилиш назоратини ўрнатсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги «Олмалиқ КМК» ОАЖнинг буюртманомаларига биноан ушбу лойиҳани амалга оширишда иштирок этувчи хорижий мутахассисларга консуллик ва бошқа йиғимларни ундирмаган ҳолда кўп марталик кириш визаларини белгиланган тартибда расмийлаштиришни таъминласин.

10. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги «Олмалиқ КМК» ОАЖнинг буюртманомаларига биноан ушбу лойиҳани амалга оширишда иштирок этувчи хорижий мутахассисларга белгиланган тартибда давлат божлари ундирмасдан кўп марталик визалар берилишини ва уларнинг муддати узайтирилишини, шунингдек уларнинг яшаш жойи бўйича вақтинчалик рўйхатдан ўтказилишини ва унинг муддати узайтирилишини таъминласин.

11. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги «Олмалиқ КМК» ОАЖнинг талабномаларига биноан ушбу лойиҳани амалга оширишда иштирок этувчи юқори малакали хорижий мутахассисларни Ўзбекистон Республикасига жалб этишга белгиланган тартибда рухсатномалар беришни (узайтиришни), шунингдек уларга Ўзбекистон Республикаси ҳудудида меҳнат фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқига тасдиқнома беришни таъминласин.

12. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С. Азимов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ғ.И. Ибрагимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2014 йил 4 сентябрь,
ПҚ-2229-сон